



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 19 » iyun

№ 384

Toshkent sh.

“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4937-сон қарорига мувофиқ ҳамда “Навоий КМК” акциядорлик жамиятининг қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини ошириш ҳисобига қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган “Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) доирасида:

а) умумий қиймати 132 425,4 минг АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганлиги;

б) объектларни 2023 йилда фойдаланишга топшириш орқали 2024 йилдан бошлаб “Турбай” ва “Олтин маъданли 2-зона” конларидан йилига таркибида олтин бўлган 2,0 млн тонна ҳажмдаги маъданларни қазиб олиш йўлга қўйилиши ва лойиҳа қувватига етказилиши;

в) “Зарқатлам”, “Барханли” ва “Сардор” конларини ўзлаштириш ишлари 2030 йилдан бошлаб, босқичма-босқич, амалга оширилиши;

г) инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланишининг ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилиши натижасида:

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 14 671,0 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги ўз маблағлари;

хорижий банкларнинг 117 754,4 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредитлари ҳисобидан маблағларга бўлган эҳтиёж аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти қарз олувчи ва инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, хорижий банкларнинг кредитларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

жалб этиладиган кредитларни қоплаш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланишининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси доирасида хорижий банклар кредитларини қайтариш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаментига ва “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси – бош директори Қ.С. Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” июндаги 384 - сон қарорига
1-илова

**“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш
қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий
асосланишининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами	шу жумладан:	
				НКМК АЖнинг маблағлари	хорижий банклар кредитлари
1	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ доллари (эқв)	132 425,4	14 671,0	117 754,4
2	Капитал қўйилмалар қиймати	минг АҚШ доллари (эқв)	132 425,4	14 671,0	117 754,4
	<i>шу жумладан:</i>				
2.1	машина ва ускуналар	минг АҚШ доллари (эқв)	56 695,1	-	56 695,1
	чет эл валютасида	минг АҚШ доллари	40 094,1	-	40 094,1
	миллий валютада	минг АҚШ доллари (эқв)	16 601,0	-	16 601,0
2.2	қурилиш-монтаж ишлари	минг АҚШ доллари (эқв)	59 492,0	-	59 492,0
	миллий валютада	минг АҚШ доллари (эқв)	59 492,0	-	59 492,0
2.3	инвестиция давридаги молиявий харажатлар	минг АҚШ доллари (эқв)	12 542,9	12 542,9	-
	чет эл валютасида	минг АҚШ доллари	12 542,9	12 542,9	-
2.4	дастлабки айланма маблағлар	минг АҚШ доллари (эқв)	1 295,6	1 295,6	-
	чет эл валютасида	минг АҚШ доллари	193,1	193,1	-
	миллий валютада	минг АҚШ доллари (эқв)	1 102,5	1 102,5	-
2.5	бошқа харажатлар	минг АҚШ доллари (эқв)	2 399,8	832,5	1 567,3
	миллий валютада	минг АҚШ доллари (эқв)	2 399,8	832,5	1 567,3
3	Лойиҳанинг қуввати	2 млн тонна маъдан			
4	Мўлжалланаётган ишга жойлаштирилувчилар сони	900 нафар			
5	Лойиҳанинг ўзини қоплаш муддати	6,5 йил			
6	Инвестиция даврининг давомийлиги	36 ой			
7	Яратилаётган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати	108 526,3 минг АҚШ доллари (эқв.)			
8	Хорижий кредитни сўндириш муддати	5 йил, шундан 3 йил – имтиёзли давр			



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” июндаги 384 - сон қарорига
2-илова

**“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш
кувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси доирасида
хорижий банклар кредитларини қайтариш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

Кредит миқдори 117 754,4 минг АҚШ доллари
Кредит муддати 5 йил
Жумладан, имтиёзли муддат 3,0 йил
Йиллик фоиз ставкаси 4,55 %
Захирага олиш учун тўлов 0,8 %

минг АҚШ доллари

Тўлов даври	Танлов суммаси	Тўловлар суммаси			Жами тўланадиган сумма	
		асосий қарз бўйича	кредит бўйича фоиз	захирага олиш учун тўлов		
2021 й.	II-чорак	39 168,8	-	-	942,0	942,0
	III-чорак	17 658,0	-	439,4	-	439,4
	IV-чорак	21 510,8	-	578,6	-	578,6
2022 й.	I-чорак	-	-	898,4	-	898,4
	II-чорак	9 018,9	-	898,4	-	898,4
	III-чорак	19 549,8	-	980,1	-	980,1
	IV-чорак	9 018,8	-	1 139,6	-	1 139,6
2023 й.	I-чорак	-	-	1 329,5	-	1 329,5
	II-чорак	1 829,3	-	1 329,5	-	1 329,5
	III-чорак	-	-	1 321,1	-	1 321,1
	IV-чорак	-	-	1 335,8	-	1 335,8
2024 й.	I-чорак	-	-	1 350,5	-	1 350,5
	II-чорак	-	13 083,8	1 350,5	-	14 434,3
	III-чорак	-	13 083,8	1 187,4	-	14 271,2
	IV-чорак	-	13 083,8	1 038,9	-	14 122,7
2025 й.	I-чорак	-	13 083,8	900,3	-	13 984,1
	II-чорак	-	13 083,8	750,3	-	13 834,1
	III-чорак	-	13 083,8	587,2	-	13 671,0
	IV-чорак	-	13 083,8	445,3	-	13 529,1
2026 й.	I-чорак	-	13 083,8	300,1	-	13 383,9
	II-чорак	-	13 084,0	149,9	-	13 233,9
Жами		117 754,4	117 754,4	18 310,8	942,0	137 007,2